

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил сентябрь ойининг 13 куни, жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман судининг сайёр суд мажлиси, Қизилтепа тумани “Хафқориён” маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб, раислик қилувчи судья А.Авезов, судья ёрдамчиси Н.Қурбоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қизилтепа туман прокурори ёрдамчиси Д.Шавкатов, жабрланувчи Ш.Қиёмовнинг иштирокида, Шабонов Фаёз Ёдгоровичга оид 1-2105-2301/89-сонли жиноят иши кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

**Шабонов Фаёз Ёдгорович (Shabonov Fayoz Yodgorovich),** 1972 йил 20 майда Қизилтепа туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 3 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, “Азамат Азизжон” фермер хўжалиги раиси, муқаддам судланмаган, Қизилтепа тумани, “Хафқориён” МФЙ, “Хафқориён” кўчаси, 11-уйда яшайди, 2023 йил 27 апрель куни соат 22:04да ЖПКнинг 221-моддасига асосан ушланган, иш бўйича 28.04.2023 йилдан қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган, 31.05.2023 йилда қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси “Гаров” эҳтиёт чорасига алмаштирилган, айблов хулосаси нусхасини 08.07.2023 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, иш бўйича тўпланган далилларни муҳокама қилиб, тарафларнинг музокара ва судланувчининг охириги сўзларини тинглаб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ф.Шабонов, умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган ҳаракатлари орқали фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани



қўлга киритиш мақсадида, “Азамат Азизжон” фермер хўжалиги раҳбари вазифасида ишлаб келиб, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 53-моддасида кўрсатилган “Фермер хўжалигига берилган ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айрбошлаш объекти бўлиши мумкин эмаслиги” ҳамда янги таҳрирдаги “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасида кўрсатилган “Фермер хўжаликларини юритиш учун ер участкалари очиқ электрон танлов асосида ўттиз йил муддатга ижарага берилиши белгиланганлиги” талабларини қўпол равишда бузиб, ўзи раҳбар бўлган фермер хўжалигига берилган жами 87,7 гектар ер майдонини Ш.Қиёмовга сотишни ва келгусида унинг номига ўтказиб беришни ваъда қилиб, бу орқали уни алдаб, ўзининг ёлғонига ишонтириш мақсадида, ер майдонлари унумдорлигини, ушбу ерларни сотиб оладиган бўлса, келажакда катта миқдорда даромад олишини айтиб, ушбу алдовлар билан унинг ишончига кириб, 2022 йилнинг июль ойидан 2023 йилнинг январь ойига қадар Ш.Қиёмовдан фирибгарлик йўли билан жами 749.000.000 сўм жуда кўп миқдордаги пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга кириб, ушбу пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Судланувчи Ф.Шабонов судда, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб,

2022 йилнинг июль ойи бошларида олдиндан унга таниш бўлган Ш.Қиёмов билан кўришиб, унга туманнинг “Ўртачўл” ҳудудида ўзи раҳбар бўлган фермер хўжалигига қарашли жами 87,7 гектар ер майдони борлигини, ҳозирда пулга эҳтиёжи борлиги, фермер хўжалигини юритишга моддий томондан тўғри келмаётганлигини айтиб, фермер хўжалигини сотмоқчи эканлигини айтиб, унга фермер хўжалигини сотиб олишни таклиф қилганлигини, кейин Ш.Қиёмов ўйлаб кўриб, унга фермер хўжалигига қарашли ерларни сотиб олишга рози эканлигини айтиб, ундан ерни қанчага сотиши тўғрисида сўраганлигини, сўнгра у Ш.Қиёмовга ерни аниқ нархини айтмасдан унга биргаликда ишлашни, фермер хўжаликни биргаликда юритишни, унга моддий томондан ёрдам бериб туришни, кейинчалик ерларни уни номига ўтказиб беришни айтганлигини, сўнгра у Ш.Қиёмовдан

2022 йилнинг июль ойидан 2023 йилнинг январь ойига қадар турли вақтларда бўлиб-бўлиб жами 730.000.000 сўм пулларни олиб келганлигини, Ш.Қиёмовдан ушбу 730.000.000 сўм пулларни фермер хўжалигига буғдой экини экиш, ерларни шудгорлаш, техникаларга ёқилғи маҳсулоти олиш ва ер билан боғлиқ бошқа ишларга сарфлашни айтиб, қўлга



киритганлигини, 2023 йилнинг февраль ойида Ш.Қиёмов ўғли Э.Қиёмов билан уни ёнига келиб, Э.Қиёмов унга “отам сизга шунча пул берибди, ерларни қачон отамни номига ўтказиб берасиз” деб сўраганлигини, кейин у уларга “майли иложи бўлса ўтказиб бераман” деб айтиб, улар билан биргаликда Қизилтепа тумани ҳокимлиги қишлоқ хўжалиги бўлимига бориб, у ерда ишловчи Х.Нишонов билан кўришиб, ундан фермер хўжалигига қарашли ерларни Ш.Қиёмовни номига ўтказиб бермоқчи экани, ерларни уни номига ўтказиб беришни иложи борми деб сўраганлигини, кейин Х.Нишонов уларга қонун жиҳатдан ерларни бошқа шахсга ўтказиш мумкин эмаслиги, ерлар узоқ муддатга ижарага берилгани тўғрисида айтганлигини, кейин Ш.Қиёмов билан унинг Э.Қиёмов ерни уларни номига ўтказиб бўлмамлигини, уни алдаб пулларини қўлга киритганлигини билиб, олган пулларини қайтариб беришни сўраганликларини, сўнгра у Ш.Қиёмовни ишончига кириш мақсадида “ака мен бирор-бир иложини қилиб, ерларни сизни номингизга ўтказиб бераман” деб айтганлигини, кейин Ш.Қиёмов ундан бу ҳақда тилхат ёзиб беришни сўраганлигини, сўнгра унинг бошқа иложи қолмагани сабабли раҳбарлик қилиб келаётган туманнинг “Ўртачўл” ҳудудида жойлашган “Азамат Азизжон” фермер хўжалигига қарашли ерларни Ш.Қиёмовни номига ўтказиб бериши эвазига ундан пул олгани тўғрисида тилхат ёзиб бериб, тилхат билан Ш.Қиёмовдан пул олиб келгани юзасидан тузилган ёзма жадвалга имзо қўйиб берганлигини, кейинчалик Ш.Қиёмов ундан пулларини қайтариб беришни ёки бўлмаса ерларни номига ўтказиб беришни сўраганлигини, у эса ҳар сафар унга ерларни номига ўтказиб беришни айтиб, унга турли хил важларни айтиб алдаб келганлигини, кейинчалик Ш.Қиёмов уни ҳаракатларидан юзасидан туман прокурори номига ариза билан мурожаат қилгани ва ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилгани, тергов ҳаракатлари давомида жабрланувчи Ш.Қиёмовга етказилган 749.000.000 сўмлик зарарнинг 445.000.000 сўмини банкнинг депозит ҳисоб рақамига қўйгани, зарарнинг қолган қисмини, яъни 304.000.000 сўмини жабрланувчининг шахсан ўзига берганлигини, ҳозирги вақтда жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, ҳозирги кунда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда эканлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан ўзига нисбатан қонуний енгил жазо тайинлашликни сўради.

Судланувчи Ф.Шабоновнинг фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани қўлга киритишда ифодаланган жиноятни содир қилганликдаги айби, суд мажлисида ўз



айбига тўлиқ иқдорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, қуйидаги тўпланган далиллар, яъни:

жабрланувчи Ш.Қиёмов судда, дастлабки терговда берган кўрсатувларни тасдиқлаб, 2022 йилнинг июль ойи бошларида набираси Ш.Қиёмовга тегишли “Stroy City” қурилиш моллари дўконида Ф.Шабоновни кўрганлигини, у билан ўзаро суҳбатда Ф.Шабонов унга Қизилтепа тумани “Янгиҳаёт” маҳалласи ҳудудида фермер хўжалиги борлиги, фермер хўжалигига қарашли 560 гектар ер майдони бўлиб, ҳозирда пулга эҳтиёжи борлиги, фермер хўжалигини юритиш учун моддий томони тўғри келмаётгани, шу сабабли фермер хўжалигини сотмоқчи эканлигини айтиб, унга фермер хўжалигини сотиб олишни таклиф қилиб, “агарда олсангиз сизга сотишим мумкин, сизни фермер хўжалигимни сотиб олишга шароитингиз борку” деб айтганлигини, у ўша вақтда ер олиб, фермер хўжалиги ташкил қилиш мақсадида юрганлиги сабабли, Ф.Шабоновнинг таклифига рози бўлиб, ундан фермер хўжалиги ерларини қанча пулга сотмоқчи эканлигини сўрагани, кейин Ф.Шабонов га 560 гектар ер майдони бўлган фермер хўжалигини 230.000 АҚШ долларига сотишни айтганлиги, кейин у Ф.Шабоновга ерни нархи анча баланд эканлигини, бу нархга олмаслигини айтганда, Ф.Шабонов унга “ака ерим яхши жойда жойлашган, ери текис, унумдор, бу пулни қисқа вақтда чиқариб оласиз, анча фойда кўрасиз” деб, бир неча бизнес режаларни унга айтганлигини, сўнгра у фермер хўжалигини Ф.Шабонов савдолашиб, ундан 200.000 АҚШ долларига фермер хўжалигини сотиб олишга келишганлигини, ўша вақтда Ф.Шабонов унга “ерларни сизга тўлиқ топшириб, номингизга расмийлаштириб бераман, мени ўзим бошқа жойдан минг гектар ер гаплашганман, ерни сизни номингизга расмийлаштирганимдан кейин у ерни ўзимни номимга расмийлаштириб оламан” деб айтганлигини, сўнгра у Ф.Шабоновни гапларига ишониб, унинг таклифига рози бўлганлигини, 2022 йилнинг июль ойи ўрталарида Ф.Шабонов билан “Stroy City” қурилиш моллари дўконида учрашиб, унга келишилган пулдан 10.000.000 сўм бериб юборганлигини, 2022 йилнинг август ойида яна Ф.Шабоновга 30.000.000 сўм, шу ойнанинг ўрталарида эса яна 69.000.000 сўм, сўнгра тахминан ўн кунлар ўтгач яна 150.000.000 сўм бериб юборганлигини, Ф.Шабонов ундан пулларни олиб кетиш учун келган вақтида, у Ф.Шабоновдан ер масаласи нима бўлаётгани, қачон ерни номига ўтказиб беришни сўраганда Ф.Шабонов унга яйлов ерларни фермер хўжалиги балансига ўтказиш учун ҳаракат қилаётганлигини, тез орада ҳал бўлиб қолишини, ҳамма ерларни номига ўтказиб беришни айтиб келганлигини,



2022 йилнинг сентябрь ойида Ф.Шабонов ундан дастлаб 60.000.000 сўм, сўнгра 10.000.000 сўм, кейинроқ эса яна 55.275.000 сўм олиб кетганлигини, ушбу пулларни шахсан Ф.Шабоновни ўзига санаб берганлигини, Ф.Шабонов ундан “ака ерни номингизга ўтказиш учун харажатлари бор, кўп пул керак бўляпти” деб айтиб, ҳар келганида ҳар хил бахоналар қилиб, ундан пул олиб кетганлигини, 2022 йилнинг октябрь ойида Ф.Шабонов келиб, унга “ака мени яйлов ерларим ҳам бор эди, чорва кластери ушбу яйлов ерларини олиб қўйди, уларни ҳам қайтариб, ўзимни ер майдонларига қўшиб олиб, бу ерларни ҳам сизга сотаман, уларни қайтариб олиш учун пул керак” деб айтиб, жами 455 гектар ер майдонларини қайтариб олиши учун ундан 50.000.000 сўм, яна 40.000.000 сўм, яна 15.000.000 сўм, яна 8.645.000 сўм, яна 40.000.000 сўм, яна 38.000.000 сўм ва яна 40.000.000 сўм олиб кетганлигини, ушбу пулларни у Ф.Шабоновга ерни олиш учун 200.000 АҚШ долларига келишган пул ҳисобидан бўлиб-бўлиб берганлигини, 2022 йилнинг ноябрь ойида яна Ф.Шабонов ундан пул сўраб келиб, ундан бўлиб-бўлиб, дастлаб 8.000.000 сўм, кейинроқ яна 64.000.000 сўм олиб кетганлигини, 2022 йилнинг декабрь ойида эса Ф.Шабонов ундан дастлаб 10.000.000 сўм, яна 15.000.000 сўм, кейинроқ эса 3.400.000 сўм олиб кетганлигини, Ф.Шабоновдан ер сотиб олаётгани ва ерни номига расмийлаштириб бериши учун Ф.Шабоновга пул бериб келаётганидан ўғли Э.Қиёмов ва Ш.Қиёмовни хабари бор эканлигини, шунингдек, Ф.Шабоновга пул берганлигини набираси Ш.Қиёмов ҳам бир неча маротаба гувоҳи бўлганлигини, 2023 йилнинг январь ойида ҳам Ф.Шабонов ундан бўлиб-бўлиб жами 11.500.000 сўм олиб кетганлигини, Ф.Шабоновдан ишлари нима бўлаётгани, қачон ерни номига ўтказиб беришни сўраганда, Ф.Шабонов унга “ака сиз зерикманг, еримни сизни номингизга ўтказиб бераман, сиз билан келишганмиз-ку, ҳал бўляпти, мана ҳал бўляпти” деб айтиб келганлигини, кейинчалик Ф.Шабонов ерни уни номига ўтказиб бермасдан ундан ер учун деб пул сўраб келавергани, сўнгра у ўғли Эркинга бу ҳақда айтганлигини, кейин Ф.Шабонов уларга фермер хўжалиги харитасини кўрсатиб, мана шу ер майдони эканлигини, ушбу ер майдонини унинг номига ўтказиб беришини айтганлигини, кейин улар Ф.Шабоновни гапларига ишониб келганликларини аммо у ерни унинг номига ўтказиб бермасдан ундан яна ерни номига ўтказиб бериши учун 20.000 АҚШ доллари сўраганлигини, кейин у ўғли Эркин билан Ф.Шабоновни ҳаракатларидан шубҳаланиб, туман Ҳокимлигининг қишлоқ хўжалиги бўлимига бориб, у ерда ишловчи Ҳикмат деган ходимга учрашиб унга Ф.Шабонов



ўзининг фермер хўжалиги ер майдонини уларга сотганлигини, сотиб олган ерларни номига ўтказиб беришни сўраганликларини, кейин Ҳикмат уларга ерни бировнинг номига ўтказиб бўлмаслигини, ерни сотиш ҳам мумкин эмаслигини, Ф.Шабоновни бундай ваколоти йўқлигини, ерни фақат бир йиллик ижара асосида қариндошларига бериши мумкинлиги тўғрисида айтганлигини, кейин у Ф.Шабонов уни алдаб юрганлигини билиб, у билан кўришиб, ундан нима сабабдан алдаб юрганлигини сўраганда, Ф.Шабонов ундан яна 25.000 АҚШ доллари беришини кейин ер майдонларини тўлиқ уларга беришни айтганлигини, сўнгра у Ф.Шабоновга нисбатан қонуний чора кўриб, ундан пулларини ундириб беришни сўраб, туман прокурори номига ариза билан мурожаат қилганлигини, унинг аризаси юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилгани, тергов ҳаракатлари давомида Ф.Шабонов етказилган зарарни қоплаш мақсадида 445.000.000 сўм пул маблағини банкнинг депозит ҳисоб рақамига қўйганлигини, зарарнинг қолган қисмини, яъни 304.000.000 сўмини эса унинг ўзига берганлигини, шу сабабли судланувчи томонидан банкнинг депозит ҳисоб рақамига қўйилган пул маблағини ундириб беришни ва унга нисбатан қонуний чора кўриш ҳақидаги кўрсатуви;

гувоҳ Э.Қиёмов судда, жабрланувчи Ш.Қиёмовнинг кўрсатувларини тасдиқлаб, бир хил мазмунда берган кўрсатуви билан;

гувоҳ М.Қиёмов судда, дастлабки терговда берган кўрсатувларни тасдиқлаб, 2020 йилдан буён бобоси Ш.Қиёмовга тегишли туман марказидаги “Stroy City” қурилиш моллари дўконида сотувчи бўлиб ишлаб келаётганлигини, судланувчи Ф.Шабоновни 2020 йилдан буён танишлигини, бобоси Ш.Қиёмов анчадан буён ер олиб, фермер хўжалиги ташкил қилиш ниятида юрганлигидан хабари борлигини, 2022 йилнинг июль ойида Ф.Шабонов бобоси Ш.Қиёмовга ўзининг Қизилтепа тумани “Ўртачўл” фермер хўжалигида жойлашган фермер хўжалигига қарашли ерларни сотмоқчи эканлиги, молиявий аҳволи оғирлиги сабабли, фермер хўжалигини юрита олмаёганлигини айтиб, бобосига фермер хўжалиги ерларини сотиб олишни таклиф қилганлигини, улар бу тўғрисида ўзаро гаплашган вақтларида уларнинг суҳбатларига шахсан гувоҳ бўлганлигини, 2022 йилнинг август ойида Ф.Шабонов қурилиш моллари савдо дўконига келиб, бобоси Ш.Қиёмовга фермер хўжалиги ерларини бобосини номига ўтказиб беришини айтиб, 10.000.000 сўм олиб кетганлигини кўргани, август ойида эса Ф.Шабонов яна бобосидан 30.000.000 сўм, кейинроқ яна 69.000.000 сўм ҳамда август ойи охирларида



эса яна 150.000.000 сўм олиб кетганлигини гувоҳи бўлгани, шу тариқа Ф.Шабонов 2022 йилнинг июль ойидан 2023 йилнинг январь ойига қадар фермер хўжалиги ерларини бобоси Ш.Қиёмовни номига ўтказиб беришни айтиб жами 750.000.000 сўмга яқин пулларини олиб кетганлигини, аммо Ф.Шабонов ерларни бобосини номига ўтказиб бермасдан алдаганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

гувоҳ Қиёмов Шавкат Шомуратович судда, жабрланувчи Ш.Қиёмовнинг кўрсатувларини тасдиқлаб, бир хил мазмунда берган кўрсатуви билан;

гувоҳ Х.Нишонов судда, дастлабки терговда берган кўрсатувларни тасдиқлаб, 2022 йилнинг август ойидан буён Қизилтепа тумани Қишлоқ хўжалиги бўлимида бошлиқ ўринбосари вазифасида ишлаб келаётганлигини, туманнинг “Янгиҳаёт” маҳалласи ҳудуди Ал-Бухорий массивидаги жами 193,1 гектар ер майдони фермер хўжалиги сифатида берилган бўлиб, фермер хўжалиги номи “Азамат Азизжон” эканлигини, фермер хўжалиги раҳбари эса Ф.Шабонов ҳисобланишини, Қизилтепа тумани ҳокимининг 22.10.2020 йилдаги №Қ-10/526-сонли қарори билан “Азамат Азизжон” фермер хўжалиги қарашли 105,4 гектар яйлов ер майдони пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш мақсадида туман ҳокимлиги заҳира ерлари ҳисобига қайтарилиб, мазкур ерлар қоракўлчилик кластерига ажратиб берилгани,

2022 йилнинг декабрь ойида “Азамат Азизжон” фермер хўжалиги қарашли 10,9 гектар экин ер майдони деҳқон хўжаликлари ташкил қилиш мақсадида, туман заҳира ерлари ҳисобига олингани, ҳозирда “Азамат Азизжон” фермер хўжалигининг ижарадаги умумий ер майдони 76,8 гектарни ташкил қилишини, 2023 йилнинг февраль ойида “Азамат Азизжон” фермер хўжалиги раҳбари Ф.Шабонов уни ишхонасига келиб, соғлиғи яхши эмаслиги, фермер хўжалиги раҳбарини ўзгартирмоқчи эканлиги, ўзининг ўрнига бошқа шахсни тайинламоқчи эканлигини айтиб, унинг тартиби қандай эканлигини сўраганлигини, сўнгра у Ф.Шабоновга фермер хўжаликлари тўғрисидаги қонуннинг 13-моддасини ўқиб бериб, амалдаги қонунга асосан фақатгина фермер хўжалиги раҳбарлиги оила аъзоларидан бирига ижара муддати даврида фойдаланиш ҳуқуқи билан қолдирилиши мумкинлигини, фермер хўжалиги раҳбарлигини бошқа шасхларга қолдириш мумкин эмаслигини тушунтириб берганлигини, сўнгра Ф.Шабонов унинг хизмат хонасидан чиқиб кетганлигини, 2023 йилнинг март ойи бошларида уни хизмат хонасига Ф.Шабонов икки нафар фуқаролар (кейинчалик уларни исми шарифи Ш.Қиёмов ва унинг ўғли Э.Қиёмов эканлигини билган) билан келишиб,



Ф.Шабонов унга ўзининг фермер хўжалиги раҳбарлигини Ш.Қиёмовга ўтказиш мумкинми деб сўраганлигини, кейин у уларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.11.2021 йилдаги 709-сонли Қарорига асосан ер бериш тартиби тўғрисида тўлиқ маълумот бериб, ерлар ҳозирда фақатгина “E-auksion” платформаси орқали берилишини, фермер хўжалигини боқша шахсга ўтказиш мумкин эмаслигини тушунтириб берганлигини, кейин улар яна қайтиб кетганликлари ҳақидаги кўрсатуvidан ташқари;

судланувчи Ф.Шабоновнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликдаги айби, суд мажлисида текшириб чиқилган ва ошкора ўқиб эшиттирилган жиноят ишида мавжуд бўлган жабрланувчи Э.Қиёмовни Қизилтепа туман прокурори номига ёзган аризаси (и.в. 4);

- “Азамат Азизжон” фермер хўжалиги томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижрага олиш шартномаси, илова ҳужжатлари (и.в. 9-20);

- Навоий вилоят ИИБ ЭКБнинг 12.03.2023 йилдаги 75-сонли хатшунослик экспертиза хулосаси, илова ҳужжатлари (и.в. 47-51);

- Қизилтепа туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Ф.Эсановни туман прокурори номига ёзган 29.03.2023 йилдаги 03/35-сонли хати (и.в. 57);

- жабрланувчи Э.Қиёмов томонидан тақдим этилган дискни олиш ва уни эшитиб кўриш баённомаси (и.в. 5960);

- жабрланувчи Ш.Қиёмов билан айбланувчи Ф.Шабонов ўртасида ўтказилган юзлаштириш тергов ҳаракати баённомаси (и.в. 138-145) ҳамда бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Тергов органи жиноят ишининг Ф.Шабонов ва Ш.Қиёмовнинг ҳаракатларида ЖК 211-моддасида назарда тутилган жиноят аломати бўлмагани сабабли жиноят ишининг уларга оид мазкур қисми ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига кўра ҳаракатдан тугатган.

Навоий вилоят ИИБ ЭКБнинг 12.03.2023 йилдаги 75-сонли хатшунослик экспертиза хулосасига кўра, “Мен Фаёз Шабонов Қиёмов Эркиндан ф/х “Азамад Азизжон” тегишли ер майдони учун келгусида номларига қилиб бериш учун 730.000.000 (етти юз ўттиз млн.) сўм пулни олдим ” сўзлари мавжуд бўлган оқ рангли катакли дафтар вароғига ёзилган тилхатдаги ёзувлар фуқаро Ф.Шабонов томонидан бажарилгани қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил

23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг 3-бандида фирибгарлик ўзганинг мулкани ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки



ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият бериши;

4-бандида фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилишитўғрисида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Судланувчи Ф.Шабоновнинг фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкни қўлга киритишда ифодаланган айби суд мажлисида тўлиқ ўз тасдиғини топган бўлиб, тергов органи томонидан унинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ф.Шабоновнинг чин кўнгилдан пушаймонда бўлиб, етказилган зарарни қоплагани жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, ғаразли ёки бошқача паст ниятларда жиноят содир этганлиги жазосини оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблашни лозим топади.

Суд, судланувчи Ф.Шабоновга жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, қуйидагича тўхтамга келди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, инсоннинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги;

давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида қайд этилган, Инсонпарварлик принципининг жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги ҳақидаги;

ушбу кодекс 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа



ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил

3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши;

3-бандида, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

4-бандида эса, қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шартлиги;

37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкинлиги тўғрисида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг

5-қисмида “етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди” деб кўрсатилган.



Суд, юқоридаги қонун ва Пленум Қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчи Ф.Шабоновга жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонда экани, ёшини ва шахсини, оилавий шароитини, муқаддам судланмагани, етказилган зарар қоплагани ва унга нисбатан жабрланувчининг даъвоси йўқлиги, унинг жиноят содир этишига сабаб бўлган шарт-шароитларини эътиборга олиб, шунингдек, суд келгусида бундан-да оғир оқибатларни олдини олиш, ҳуқуқий тарбиявий жиҳатларини ҳамда суд қарорини шаффофлигини таъминлаш мақсадини ҳам кўзлаб, шу аснода жазо тайинлашнинг баҳолаш мезонидан, адолат, инсонпарварлик, қонунийлик тамойилларига риоя қилиб ва юқорида қайд этилган асослардан келиб чиқиб ҳамда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, ЖК 168-моддасининг 5-қисми талабидан келиб чиқиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбланаётган қонун санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 62-моддаси 2-қисми тартибидан унинг

2023 йилнинг 27 апрелдан 2023 йилнинг 31 майга қадар қамоқда ўтирган 1 ой 4 кунининг ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштирилиб, тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан чегириб ташлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида, ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилиниши, давлат жабрланганларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлайди, уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратилиши белгилаб қўйилган.

Судда, иш юзасидан жабрланувчи Ш.Қиёмов ўз кўрсатувида судланувчи Ф.Шабонов етказилган жами 749.000.000 сўмлик зарарнинг 445.000.000 сўмини банкнинг депозит ҳисоб рақамига қўйгани, зарарнинг қолган қисмини, яъни 304.000.000 сўмини эса унинг ўзига берганлигини маълум қилган.

Шу боис суд, иш бўйича етказилган зарарни қоплаш мақсадида судланувчи Ф.Шабоновнинг яқин қариндошлари томонидан “Ипотека банк” АТИБ Навоий вилоят филиалининг ҳисоб рақамига қўйган 445.000.000 сўм пул маблағини жабрланувчи Ш.Қиёмовнинг фойдасига ундиришни лозим топади.

Иш бўйича жабрланувчига етказилган моддий зарар қопланганлиги эътироф этилсин.

Суд, иш бўйича олинган ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, тергов ҳаракатлар акс этган видеотасвир



ёзилган 2 дона “CD” дискларни жиноят ишига қўшиб сақлашни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473, 497<sup>1</sup>-497<sup>4</sup>-моддаларига мувофиқ, суд

### **Ҳ У К М Қ И Л А Д И:**

Судланувчи **Шабонов Фаёз Ёдгорович (Shabonov Fayoz Yodgorovich)** Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топилсин ва унга ушбу модда билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси 1-қисми тартибда Ф.Шабоновнинг 2023 йилнинг 27 апрелдан 2023 йилнинг 31 майга қадар қамокда ўтирган 1 ой 4 кунининг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш жазосининг 3 кунига тенглаштирилиб, тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан чегириб ташлансин ва узил-кесил ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 8 (саккиз) ой 18 (ўн саккиз) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазони, мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташ белгилансин ва жазо муддати жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазонинг ижроси Ф.Шабонов яшайдиган ҳудуд бўйича Қизилтепа туман ИИБ Пробация гуруҳига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач гаровга қўйилган “Ипотека-банк” АТИБ Навоий филиали депозит ҳисоб рақамида қўйилган 10.000.000 сўм пул маблағи судланувчи Ф.Шабоновга қайтарилсин.

“Ипотека банк” АТИБ Навоий вилоят филиали ҳисоб рақамида сақланаётган 445.000.000 сўм пул маблағи жабрланувчи Ш.Қиёмовнинг фойдасига ундирилсин.

Иш бўйича жабрланувчига етказилган моддий зарар қоплангани инобатга олинсин.

Тергов ҳаракатлар акс этган видеотасвирлар ёзилган 2 дона “CD” дисклар жиноят ишига қўшиб сақлансин.

Ҳукмдан норози томонлар 20 сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи эса уларга ҳукм нусхаси топширилган кундан бошлаб, шу муддат ичида шу суд орқали Навоий вилоят



судига апелляция тартибида шикоят, прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

Ҳукм алоҳида хонада раислик этувчи томонидан “HPdx 2300” русумли компьютерда ёзилди.

**Раислик қилувчи**

**ИМЗО**

**А.Авезов**

*Ҳукм нусхаси аслига тўғри*

*Раислик қилувчи судья:*

*А.Авезов*

**Маъсул судья: Авезов Адиз Муродбекович**



Ҳужжат имзоланган: Авезов Адиз Муродбекович, 03.09.2023

